

Қуръон ва суннатдан шаръий ҳукмларни чиқариш усуллари



17:00 / 27.06.2019 3584

Ҳаммага маълумки, Аллоҳнинг охири ва мукамал дини Ислом инсониятни икки дунё саодатига бошлаш учун юборилгандир. Бу дин барча замонлар ва маконлар учун салоҳиятлидир. Унинг таълимотлари инсониятни икки дунё саодатига эриштириш учун маълум мақсадларни ва манфаатларни кўзлагандир. Ана ўша асосий мақсадларни юзага чиқаришда Қуръони Карим ва Суннат дастуруламалдир. Шунинг учун ҳам Аллоҳ таолонинг Китобини ва Набий алайҳиссаломнинг суннатларини тушунишда ҳамда уларга амал қилишда мазкур асосий ва жавҳарий мақсадларнинг юзага чиқиши кўзланади. Ҳар бир ояти карима ва ҳадиси шарифнинг сабаби, моҳияти, мақсади ва турли далолатлари чуқур ўрганилади. Агар шариатнинг асосий мақсадлари бир тарафда қолиб, ҳар бир оят ёки ҳадисни алоҳида тушунишга ҳаракат қилинса, асосий мақсад ҳосил бўлмаслиги аён.

Аҳли сунна вал жамоа мазҳабиغا мансуб мўътабар тўрт мазҳаб – ҳанафий, моликий, шофеъий ва ҳанбалий мазҳабларининг асосчилари ва уларнинг издошлари бўлган мужтаҳид уламолар юқорида айтиб ўтилган ва айтиб ўтилмаган бошқа нозик тарафларни эътиборга олиб ижтиҳод қилганлар ва диний матнлар – оят ҳамда ҳадислардан ҳукмларни чиқариш қоидаларини

ишлаб чиққанлар. Фикҳ илмидаги бу мислисиз уринишлар самараси ўлароқ «усулул фикҳ» деб аталган буюк илмга асос солинган. Бу илми билмаган одамнинг фикҳ билан шуғулланиш имкони йўқлигини ундан хабардор кишиларгина билишади.

Усулул фикҳ илмининг ҳақиқатидан бироз бўлса-да хабардор бўлиш учун мазкур илм бўйича ёзилган китобларнинг биридан мужтаҳид бўлиш учун қўйилган шартлардан биттасигина – Аллоҳ таолонинг Китоби илми баён этилган жумлаларни мисол келтирамиз.

«...Қуйидаги олти илми жамлаган инсон мужтаҳид бўлади:

- 1) Аллоҳ таолонинг Китоби илми;
- 2) Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннати илми;
- 3) Усулул фикҳ илми;
- 4) Салафларнинг қавллари, ижмоъ ва ихтилофлари илми;
- 5) Луғат илми;
- 6) Қиёс илми.

Қуйида ана шу шартлар қисқача изоҳлаб ўтилади.

1. Биринчи шарт: Аллоҳ таолонинг Китоби илми.

Маълумки, Аллоҳ таолонинг «Китоби» деганда, албатта Қуръони Карим кўзда тутилади. Қуръони Карим Исломнинг дастури, асосий қонуни ҳисобланади. Ушбу асосий қонунни яхши билмаган одам мужтаҳид бўла олмайди. Бинобарин, ундай одам Ислом жамиятида олимлик ёки фақиҳлик даъвосини қила олмайди.

Демак, мужтаҳидлик ёки фақиҳлик даъвосини қилувчи киши Қуръони Каримда ворид бўлган шаръий аҳкомларни яхши билсин. Оятлардаги ҳар бир сўзнинг маъносини яхши билсин, улардан таркиб топган арабча жумлаларнинг маъносини яхши билсин. Уларнинг маънони ифода этишдаги хусусиятларини яхши билсин.

Шу билан бирга, фақатгина маънони билиб қолмасдан, ана шу сўзлар ва жумлаларнинг шаръий маъноларини ҳам яхши билсин. Уларнинг иллатини, сабабини ва нима учун улардан шаръий аҳкомлар чиқарилаётганини билсин.

Шунингдек, лафзнинг далолат қилиш тарафларини яхши билсин. Иборат юзасидан далолат қиляптими ёки ишорат юзасиданми, далолат юзасиданми ёки тақозо юзасиданми? Ҳукм мантуқдан олинадими ёки мафҳумданми? Лафзнинг оми бор, хоси бор, муштарак бор, мужмали бор, муфассали бор, муташобиҳи ва бошқалари бор. Буларнинг ҳаммасини жуда яхши билиш керак.

Аҳком оятлари кўп эмас. Уларни ибодат ҳақида келган оятлар, муомалот ҳақида келган оятлар, уқубат ҳақида келган оятлар, жазолар ҳақида келган оятлар ва оилавий аҳволлар тўғрисида келган оятлар каби қисмларга тақсимлаш ва мажмуаларини осонлик билан билиб олиш мумкин. Шу билан бирга, Ислом жамиятининг ўзидан бошқа жамиятлар билан ёки яқка кишилар билан ичкарида ва ташқарида қиладиган муомалалари, алоқалари тўғрисидаги оятлар бўлади...»

Шундай қилиб, мусулмонларнинг фақиҳлари Қуръон ва Суннатни атрофлича, чуқур ва ҳар тарафдан ўрганиб чиқиб, бу ижтиҳодларининг самарасини умматга ўз дарслари ва китобларида осон йўл билан баён қилиб бердилар. Мусулмон уммати мужтаҳид фақиҳларнинг бундай хизматларини тўғри англаб етди ва уларни ўзининг имоми, яъни йўлбошчиси деб тан олди. Мазкур мужтаҳидлардан тўрттасининг – Абу Ҳанифа, Молик, Шофеъий ва Ибн Ҳанбалнинг Қуръон ва Суннатдан ва бошқа эътироф қилинган манбалардан шаръий ҳукмларни чиқариш йўллари – мазҳаблари мўмин-мусулмонлар орасида кенг тарқалди. Уммати уларнинг тўртовини ҳам бирдек кўрди. Мазкур тўрт мазҳабларнинг ижтиҳодидаги баъзи ихтилоф(хилма-хиллик)ни ўзи учун раҳмат деб билди. Ушбу мазҳаблар орасидаги айрим жузъий ихтилофлар жоиз деб иттифоқ қилинди ҳамда мужтаҳидларнинг мазкур ихтилофлари асосида низо чиқариш ҳаром деб эълон қилинди. Мана, бир минг тўрт юз йилга яқин вақт бўлибдики, мусулмонларнинг асосий оммаси фикҳий масалаларда уларнинг ижтиҳодларидан фойдаланиб келмоқдалар, уларнинг ҳақларига дуолар қилмоқдалар.

“Ихтилофлар: сабаблар ва ечимлар” китоби